Шарқ юлдузи

Ойлик адабий-бадиий, ижтимоий-сиёсий журнал

Ўзбекистон ССР Ёзувчилар союзининг органи

5

1987

56-йил чиқиши

Бош редактор

Ўткир ҲОШИМОВ

Редколлегия:

Ҳафиз АБДУСАМАТОВ
Саид АҲМАД
Мурод МУҲАММАД ДЎСТ
(бош редактор ўринбосари)
Омон МУХТОРОВ
(проза бўлими мудири)
Умарали НОРМАТОВ
Гулчеҳра НУРУЛЛАЕВА
Хайриддин СУЛТОНОВ
Зоя ТУМАНОВА
Туроб ТЎЛА
УЙҒУН
Ўлмас УМАРБЕКОВ
Носир ФОЗИЛОВ
(масъул секретарь)
Тўлапберган ҚАИПБЕРГЕНОВ
Азиз ҚАЮМОВ
Ҳамид ҒУЛОМ

Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти

www.ziyouz.com kutubxonasi

УШБУ СОНДА

Октябрь-70



Тоҳир МАЛИК

ҚАЛДИРҒОЧ

Қисса

Даҳшатдан далолат бериб турувчи бу иморатдан-ку қочиб узоқлашар, аммо хотираларидан қайга қочади, нимага қочади? Мудҳиш кечмиш ёнида ширин хотиралари ҳам бор-ку, улар уйга қўшилиб ёниб, кулга айланмаган-ку?!

Шеърият



Муҳаммад СОЛИҲ

МЕНИНГ ВАТАНИМСАН, СЕВГИЛИМ!

Шеърлар

Сен кетсанг, боғлардай кетасан,
Вақт ўтган сари юк солиб.
Сен худди тоғлардай кетасан,
Узоқлашган сари юксалиб.

Публицистика



Иброҳим ҒАФУРОВ

ҚАШҚАРДА

Бир гуруҳ совет зиёлилари Хитойда, Шинжонгда бўлганимизда, уйғур халқининг қадим Ғулжа, Урумчи, Қашқар, Турфон, Арғу сингари шаҳарлари билан танишганимизда, меҳнаткаш халқнинг янги ҳаёт йўлида фидокорлик билан меҳнат қилаётганлигини, бу улуғ мамлакат катта социал ўзгаришлар ичида яшаётганлигига гувоҳ бўлдик.

www.ziyouz.com kutubxonasi

ТАБИАТ—ТУЙҒУЛАР МАНБАИ

Табиат ва инсон муносабатлари бугунги кунда дунё миқёсидаги долзарб масалага айланди. КПСС XXVII съездида ҳам табиатни муҳофаза этиш масаласига алоҳида эътибор берилди ва бу борадаги тадбирларнинг самарадорлигини ошириш ҳукуматимиз сиёсий фаолиятининг асосий йўналишларидан эканлиги махсус қайд этилди.

СССР ёзувчиларининг VIII съезди ўз ишларида «Халқимиз ҳаётидан, ҳозирги замон ташвишларидан ҳеч қачон ўзини четга олмаслик»ни асосий шиор қилиб қўйди.

Таниқли олимлар, етакчи мутахассислар билан ҳамкорликда ўзбек ёзувчилари ҳам бу муаммога куйинчаклик билан ёндашмоқдалар. Бу борада академик М. Муҳаммаджонов, фан доктори З. Акрамов, В. Соколов, М. Али, Д. Нурийларнинг публицистик чиқишларини, Пиримқул Қодировнинг «Қора кўзлар», «Олмос камар» романларини, Ўлмас Умарбековнинг «Бўрибосар» ҳикоясини, Жонрид Абдуллахоновнинг «Борса келмас» романини, Шукур Холмирзаевнинг «Йўллар, йўлдошлар», «Бодом қишда гуллади», Эмин Усмоновнинг «Тилла чаноқ», «Кўнгил кўзи» китобларига кирган асарларини эслаш ўринлидир.

«Олмос камар» романига шаҳар тараққиёти жараёнида табиий мувозанатни сақлаб қолиш, табиатга инсоний муносабатда бўлиш лозимлиги ҳақидаги ғоя асос бўлиб хизмат қилади.

Роман бош қаҳрамонларининг касби архитектор. Улар Тошкент шаҳрини қайта қуриш лойиҳасини чизадилар. Худди мана шу жараёнда уларнинг табиат ҳақидаги билимлари, гражданлик позицияси, дунёқараши ва характерининг қирралари очила боради.

Қаҳрамонларнинг табиатга бўлган муносабатлари нуқтаи назаридан икки группага бўлиш мумкин:

биринчи тоифага табиат ва инсон уйғунлигини тушунувчилар, иккинчи тоифага эса табиатни фақат истеъмол манбаи деб ўйловчилар киради. Булар ўртасидаги муносабатлар асарнинг конфликтини келтириб чиқаради, сюжет мазмунини белгилайди.

Романдаги қуйидаги парчага эътибор қилайлик: «Бу ерларнинг офтоби шундай сахийки, осмони ҳафталар, ойлар давомида булут кўрмайди, ёз бўйи деярли ёмғир ёғмайди, одам иссиқдан жон сақлаш учун дарахт соясига ўзини олади. Дарахт эса одам қазиган ариқдан сув ичмаса қуриб қолади! Инсон билан табиат шу тарзда бир-биридан нажот топиб кун кўради».

Парчадаги мазмун — оддий, аммо бирмунча унутилган ҳақиқатдир. Негаки, одамлар аксарият ҳолларда табиат қонунларини менсимай қўймоқдалар.

Романнинг бош қаҳрамони Аброр — Тошкент фарзанди. У маданиятли, кенг билимли йигит. Ҳамма одамларга хос бўлган икир-чикирлар унинг ҳаётида ҳам мавжуд. Аммо, турмушдаги тиғизликлар унинг юксак қалбли, сахий табиатли инсон бўлишига монелик қила олмайди.

Асарнинг бошқа асосий персонажлари ҳам шаклланган одамлар сифатида намоён бўладилар. Улар бир-бирларининг фикрларини тез тушунишади. Шунинг учун асарда ортиқча тафсилотлар йўқ.

Конфликт Тошкентни қайта қуриш лойиҳаси принциплари атрофида содир бўлади.

Тошкентнинг асосий оқар суви, «олмос камар» — Бўзсув—Аброр учун тирик организм; халқ даҳосининг ажойиб намунаси.

Асосий персонажлардан Фарҳод шундай дейди: «Минг йиллардан бери оқиб турган шундай катта сув тагини ўйиб жар қилиб юбормагани ғалати. Ҳозир қирғоғига бориб, қўлингни шундай чўзсанг, кафтингга сув оласан. Одамга яқинлигини айтмоқчиман. Худди қўлга ўргатилган кийикдек».

Аброр ва унинг маслакдошлари табиатни инсон фаолияти билан боғлаб талқин қиладилар. Инсон табиатдан фойдаланар экан, уни гўзаллик қоидалари асосида ўзлаштирмоғи лозим. Уларнинг фикрича: Бўзсув қадимий бир маданият обидаси. Унинг қирғоқларини худди Самарқанддаги қадимий ёдгорликларни таъмир қилгандай тузатишлари керак.

Бу ижодкорлар коллективи ҳақиқатда ҳам кўзни қувнатадиган, хаёлларни парвоз қилдирадиган, ақлни ҳаракатга келтирадиган манзараларга бой лойиҳа яратиб, муҳокамага тақдим этадилар.

Оқиб турган сув, ўсиб турган дарахтлар тақдирига лоқайд муносабат Аброр назарида имонсизликдир. Ҳар бир кўркам дарахтни сақлаб қолиш инсоният ва тарих хотираси сифатида азиздир.

Романда табиат ҳақидаги фикрлар ўсиб, ривожланиб инсоният маънавиятини изоҳловчи, одамлар ички оламини тушунтирувчи омилга айланади: « — Оилага содиқлигингиз учун раҳмат, Вазира, — деб Аброр сал ҳовуридан тушди: — Лекин мен ҳозир табиатга содиқлик ҳақида сўзламоқчиман. Биласиз, тепамизда ҳавонинг азон қатлами бор. «Ернинг азон шапкаси» дейишади. Мен суратини ҳам кўрганман. Нафис оқ ипак пардага ўхшайди. Ана шу мусаффо парда ердаги ҳаётни сақлаб тураркан. Қуёш нурининг ҳаётга фойдали қисми азон пардадан бемалол ўтиб келаркан. Лекин атом радиациясига ўхшаган зарарли нурларни азон парда ўтказмай тутиб қоларкан... Мен ўйлайманки, ҳар бир яхши одамнинг қалбида ҳам осмондаги азон қатламига ўхшаган пок бир ҳалоллик пардаси бўлади. Ҳалоллик пардаси худди осмондаги азон пардасига

www.ziyouz.com kutubxonasi

ўхшаб, маънавий ҳаётимизни обод қиладиган нурларга йўл беради, аммо одамни ҳаром йўлга бошлайдиган, табиатни увол қиладиган, маънавий дунёни ўлдирадиган зарарли нарсалардан бизни ҳимоя қилади. Лекин ҳалол-ҳаромни фарқ қилмайдиган, фақат ўзининг фойдасини ўйлайдиган манфаатпараст одамлар табиатни ҳам, маънавиятни ҳам писанд қилмайди. Осмондаги азон қатламининг йиртилиши ҳам, одамларнинг дилидаги ҳалоллик пардасининг йўқолиши ҳам Баҳромовларни ташвишга солмайди».

Ватанпарвар, табиатсевар, инсонпарвар Аброр ва умуман барча етук, онгли кишилар учун «одамларнинг дилидаги ҳалоллик пардасининг йўқолиши» Япония ороллари устида ёрилган атом бомбаларидан ҳам даҳшатлироқ. Аниқроғи, Иккинчи жаҳон урушини бошлаганлар ҳам, Вьетнамни, Сабра, Шатилани қонга ботирганлар ҳам, кичикроқ кўламда эса анъаналарни, урф-одатларни, ер ва табиатни ҳурмат қилмайдиганлар, бировнинг меҳнатини қадрламайдиганлар, космик урушларни орзу қиладиганлар — буларнинг ҳаммаси дил пардаси йиртилган кишилардир.

Романда географик муҳит ва инсон табиати ўртасида кучли бир боғлиқлик мавжуд. Зотан, шундай бўлмоғи лозим ҳам эди. Чунки ҳар қандай бадиий асарнинг марказида инсон қалбини тадқиқ этиш, инсон характеридаги турли қирраларни кашф қилиш, инсоний муаммоларни кун тартибига қўйиш ва ечишга уриниш ғояси ётади. Пиримқул Қодиров ўз романида табиат ҳимояси мавзуини кенг ёритиш орқали умуминсоний муаммолар ечимини топишга хизмат қиладиган мустаҳкам таянч нуқтасини топган. Бу, албатта, ёзувчининг таҳсинга лойиқ муваффақиятидир.

КПССнинг XXVII съездида совет кишисини, айниқса, ёш авлодни маънавий камол топтириш масаласига катта эътибор берилган. Ҳаётдаги ўткинчи камчиликлардан нолиб, ҳасрати чанг чиқариб юрадиган майда, бачкана қаҳрамонлар эмас, балки катта-катта масалаларни дадил кўтариб чиқадиган, уни мардона туриб ҳал қиладиган қаҳрамонлар ёш авлодга чинакамига ибрат бўлади. «Олмос камар» романининг қаҳрамонлари ана шундай чинакам даъваткор образлардир. Улар одамларни курашга, катта вазифаларни ҳал этишга, жумладан, табиат ва инсон муносабатлари муаммоларини оқилона ҳал этишга руҳлантиради, уларга жасорат бахш этади.

Ёзувчи Жонрид Абдуллахоновнинг «Борса келмас» романи ҳам табиат ва инсон муаммоларини ёритишга бағишланган.

Темиржон — романнинг бош қаҳрамони. У ҳам Аброр сингари фан, ижод кишиси. Меҳнат фаолияти бевосита қишлоқ хўжалиги, ўрмончилик билан боғланган. Унинг ғоялари олижаноб — Орол денгизи атрофини ободонлаштириш. Шу мақсадда у Орол бўйларидаги ўрмон-хўжалик ташкилотига беш-ўн минг гектарлаб жойларга ёнғоқ ниҳолларини эктиради. Масаланинг расмий томонлари ўз-ўзидан, Темиржоннинг озгина тушунтириши билан ҳал бўлиб кетаверади. Катта бир территорияни ободонлаштириш масаласи асосан, райижроком раисининг хонасида ечилади-қўяди. Камида ўнлаб илмий-тадқиқот институтлари иштирокида тузилиши мумкин бўлган лойиҳани у бир ўзи тузади ва икки-уч киши бирданига уни амалга оширадилар ҳам.

Аммо, бу ниҳоллар дарахтларга айландиларми — йўқми, у ҳақда ҳеч нарса дейилмайди. Ваҳоланки, Орол атрофи иқлимининг инжиқлигини, қум бўронларини, ер ғоят шўрлигини, чучук сув камлигини, ёз жазирамасини, қиш қаҳрини яхши биламиз. Шундай жиддий табиий — географик қийинчиликларни Темиржон қандай енга олди? Униси номаълумлигича қолаверади. Қийинчиликларни енгиш жараёнида қаҳрамон характери тобланишини кўришимиз лозим эди, аммо буни биз кўрмаймиз.

Темиржон ва Юлдуз бир-бирларини севадилар. Аммо бу эҳтиросли севгининг якуни шу бўладики, Юлдуз Темиржоннинг рақиби Ғойибга турмушга чиқади. Қаҳрамонимиз бу ҳолдан эсанкираб қолмайди — маълум бўлишича, Юлдузнинг синглиси Қундуз анчадан бери Темиржонни пинҳона севар экан. Бироқ бу ҳам насиб бўлмайди — Матназар исмли ёмон одам дабдурустдан Қундузни пичоқлаб ўлдириб қўяди.

Хуллас, китобнинг бошидан охиригача иштирок этадиган қаҳрамон на оилада, на ижтимоий ҳаётда, на фанда бирор эсда қоларли иш қилганини кўрмаймиз. Табиатни сақлаш масаласи эса проблема даражасига кўтарилмасдан, романни «семиртирувчи» деталь сифатида иштирок этади, холос. Шунинг учун ҳам бу асар адабий жамоатчиликни етарли даражада қониқтирмади.

Нурали Қобулнинг «Овчи» қиссасидаги қаҳрамон аксинча, табиатни қийратади: чумчуқ, каклик, кўккарғадан тортиб айиққача ов қилади. У бир куни ўн еттита бўрини ўлдиради. Колхоз ҳисобчиси Мавлон унга мўлжалидан камроқ пул тўлайди. Ғазабланган Овчи Мавлонни ҳам отади. У қотилга айланади.

Тошбағирликдан қотиллик келиб чиқади — деган ғоя қисса асосини ташкил қилади. Бу ғояни асослаш ниятида муаллиф кўпинча ўта муболағали, миллийликдан йироқ эпизодларни тасвирлайди. Аммо улар ёзувчининг бой мушоҳадалари қамровидан ўтмайди; ушбу воқеаларнинг бадиий талқини суст кечади, натижада қаҳрамоннинг хатти-ҳаракатларига авторнинг муносабати аниқ сезилмайди.

Ёш танқидчи Абдулла Улуғов «Ижодкорнинг нуқтаи назари» мақоласида мазкур қиссадаги заиф томонлар тўғрисида фикр юритар экан, «асарда ҳаётнинг ички қатламлари, шароитнинг ўзига хос мураккабликлари ижтимоий-маънавий аспектда атрофлича таҳлил этилмайди», — деган хулосага келади. Бироқ, нима учундир у «қиссадаги воқеаларга ўқувчи ишонади» деб ҳисоблайди. Менимча, унчалик тўғри бўлмаса керак. Асар таҳлилига қайтиб, уларнинг ҳаққонийлик, бинобарин, ишонтирувчанлик жиҳатидан кўздан кечирайлик.

Навбатдаги чалкашликлар ҳам табиат тасвирида кўринади. Асар воқеалари кузда бошланиб, кузда тамом бўлади. Худди шу фаслда Овчи йигит иморат қуришни бошлайди, терак қирқади ва ҳоказо. Одатда, терак иморат учун баҳорда кесилади ва бунда мантиқ бор. Баҳор фаслида, дарахтларнинг танасига сув югурганда унинг пўстлоғи яхши шилинади, у ёз чилласида қурийди ва кузда томнинг усти ёпилади. Овчи йигит эса на ёғоч, на гувала қуримайдиган бир пайтда иморатни бошлаб юборади ва афтидан уни битказиб олса ҳам керак.

Бўрилар билан бўлган учрашув эпизодлари тасвирида ҳам ажойиб ноаниқликларни кўрамиз. Бир гал Овчи тоғдан қайтар экан, ой ёғдусида тўртта бўри ўзини кузатиб турганини кўради. Улар бўрилик табиатига кўра унга ҳужум қилиш ўрнига қизиқчилик қила бошлайдилар: «Бўрилар уни масхара қилгандек чўзилиб ётиб олишди, бири баданини қашир, иккинчиси тиши билан бургасини

www.ziyouz.com kutubxonasi

тутмоқчи бўларди». Буларнинг ҳаммасини, ҳатто бурга тутмоқчи бўлганини тун бўлишига қарамасдан, гўё ёнма-ён тургандек кўради, у.

Овчи бўри овининг янги усулини ихтиро қилади — кечаси тепаликка заҳарланган гўшт қўйиб кетади. Эрталаб келса, ўзаро симметрик равишда, «тепаликнинг тўрт тарафида тўрт бўри ўлиб ётар» эди. Қизиғи шундаки, она бўри заҳарланиб ўлса-да, унинг қорнидаги болалари тирик бўлади ва Овчи худди қопдан тош доналарини олгандек, бўри қорнини ёриб, уларни олади.

«Овчи» қиссасида ҳайвонот олами, тоғу тошлардаги ҳаёт ҳақида ана шундай турмушдан узоқ бўлган эпизодлар анчагина.

Табиат, унинг узвий қисми бўлган жонзотлар тўғрисида кейинги йилларда ўзбек ёзувчилари бир қатор яхши асарлар яратдилар. Уларда энг аввало, тасвир этилаётган ҳайвонни ўзига хос яшаш тарзи, қилиқларини объектив, қизиқарли ва нозик идрок этиш яққол кўринади. Шукур Холмирзаевнинг «Кўкбой», «Кимсасиз ҳовли», Ўлмас Умарбековнинг «Бўрибосар», Мавлон Икромнинг «Бўри ови», Баҳодир Муродалиевнинг «Оқтўш» ҳикоялари ана шундай асарлардандир.

Мавлон Икром — табиат ҳодисалари тўғрисида чуқур билимларга эга. «Бўри ови» ҳикоясида бу хислат аниқ кўзга ташланади. Тасвирланаётган ҳодисалар ёзувчи томонидан чуқур англанган, масаланинг барча жиҳатлари атрофлича таҳлил этилган ва сўнгра ўқувчилар эътиборига ҳавола қилинган. Шунинг учун ҳам китобхон воқеалар жараёнига бевосита шўнғиб кетади, унинг иштирокчисига айланади. Бу — бадиийликнинг биринчи ва энг зарур шарти эканлигини эсласак, ҳикоя салмоғи ўз-ўзидан равшан бўлади. «Бўри ови» ҳикоясида овчиликнинг муқаддас удумлари жозибали тасвирлангани ва бўриларга хос бўлган қилиқлар тасвирининг аниқлиги ва ҳаққонийлиги ўқувчини қувонтиради.

Шукур Холмирзаев ўз асарларида табиат ҳодисалари воситасида долзарб инсоний муаммоларни кўтариб чиқади. «Кимсасиз ҳовли» ҳикоясида Жек исмли итнинг вафодорлиги тасвирланган. Итнинг бундай фазилати ҳақида жуда кўплаб асарлар, кинофильмлар яратилгани маълум. Аммо Шукур Холмирзаев тасвирлаган Жек эгасининг ҳаром йўллар билан тўплаган мол-дунёсини садоқат билан қўриқлайман деб, уларнинг армиядан қайтиб келган ёлғиз ўғли Умматжонни ғажиб ташлайди. Кўрамизки, автор анъанавий образга фавқулодда драматик сюжетни, таъсир кучи бақувват мотивни юклаган.

Ўлмас Умарбековнинг «Бўрибосар» ҳикоясидаги ит — Кўктой Темур Пўлатовнинг «Мулк» қиссасидаги Калхат, Фозил Искандарнинг «Кенг пешона» ҳикоясидаги Қўтос, Чингиз Айтматовнинг «Алвидо, Гулсари» повестидаги Гулсари сирасига кирувчи образлардан.

Ёзувчи итнинг қилиқлари, ўзини тутишларидан ички «ўй-мушоҳадаларини» келтириб чиқаради. Кўктой ҳаётига доир тафсилотларнинг ишонарли, табиий тасвири, теран талқини асар ғоясининг ёркин очилишига асос бўлган. Бу ғоянинг тармоқлари кўп. Шулардан асосийси, нарсаларга тор шахсий манфаат, инжиқ, хаста қалб нуқтаи назаридан эмас, балки кенг ижтимоий манфаатлар нуқтаи назаридан туриб муносабатда бўлишга ўрганиш зарур, деган ғоя. У. Норматов ёзганидек: «Кўктой қисмати инсон шахсига, унинг истеъдодига нописанд муносабат алоҳида шахс учун ҳам, бутун жамият учун ҳам қанчалар қимматга тушиши ҳақида ўйлантиради».

Адабиётимизда бир туркум асарлар борки, уларда табиат инсоннинг нормал яшаши, актив фаолиятда бўлиши учун энг зарур туйғулар манбаи эканлиги бадиий асосланади. Айниқса, Шукур Холмирзаевнинг «Бойчечак очилди» ҳикоясида ғоят гўзал тасвирланган.

Ёзувчининг «От эгаси», «Жарга учган одам», «Кулган билан кулдирган», «Чўлоқ турна» ҳикоялари ҳам табиат ва инсон муносабатларига доир турли қирраларни бадиий таҳлил этишга бағишланган. Булар табиат мавзусини ишлаш Шукур Холмирзаев ижодининг асосий йўналишларидан бирини ташкил қилади, дейишга асос бўлади.

Эмин Усмоннинг «Кўнгил кўзи» қиссасида қўриқхона билан боғлиқ жараёнлар тасвири орқали турли тақдир, ўзига хос қиёфага эга бўлган кишилар гавдаланади. Улар ўртасидаги зиддиятли муносабатлар силсиласида асарнинг сюжети очила боради.

Қисса танқидчиликнинг назарига тушди. Умарали Норматовнинг «Изланишлар ва муаммолар» мақоласида асардаги асосий образлар таҳлилига кенг эътибор берилди, С. Тўрабекова махсус тақриз эълон қилди. Уларда асарда шу куннинг энг масъулиятли масалаларидан — табиат проблемаларининг кўтарилиши ижобий ҳол сифатида баҳоланди. Ўткир гражданлик руҳи билан йўғрилган кескин ҳаётий зиддиятлар кўрсатилгани қиссанинг муҳим ютуғи эканлиги таъкидланди. Бу баҳоларга қўшилган ҳолда асарда камчиликлар ҳам мавжудлигини эътироф этмоқ лозим. Таъкидлаш керакки, ёзувчи қаҳрамонлар фаолияти учун ғоят улкан имкониятлар тайёрлаган. Улуғ Ватан уруши, қўриқхона, ўзаро зид характерлар, одамлар ўртасидаги мураккаб муносабатлар, муҳаббат муаммолари — булар турли характерларни синовдан ўтказишга мос келадиган ғоят кенг миқёсли ҳаракат майдонлари қилиб танланган. Аммо, назаримизда, мана шундай кенг майдонга мос катта полвонларнинг кураши содир бўлмайди. Бошқача айтганда, қиссада жиддий проблемалар қўйилган, улар тўғри ҳал қилинган ҳам. Лекин, ана шу ечимларга келишдаги изтироблар, кураш йўллари етарлича кўрсатилган эмас. Ҳатто, айтиш мумкинки, тасвирланган воқеаларнинг ҳаётий моҳияти бузилган ёки улар бадиий асарда тасвирланишга арзирли даражада эстетик қиммат касб этган эмас.

Муаллиф Вали ва Барчинойлар ўртасидаги муҳаббат ҳақида қуйидагича хабар қилади: «Аслидаку, иккаласининг ўртасида муҳаббатга йўйғулик яқинлик ҳам йўқ. Вали уни ўзича яхши кўради, холос». Улар синфдош, қишлоқдош, тенгдош. Демак, ёзувчи учун улар орасидаги муносабатлар жозибасини тасвирлаш учун қулай имкониятлар мавжуд эди. Аммо бундай бўлмайди: ёшлар балоғат ва шаддодлик ёшида бўлсалар ҳам, негадир сиқилишиб, қанақадир, иложсиз ҳолатларда юришадилар. Ваҳоланки, ёшлик топқирлик, шиддаткорликдир. Асар қаҳрамонлари негадир ана шундай ҳаётбахш ҳислатларга бой эмаслар. Кўринадики, муҳаббат ҳақида хабар бор, тасвир йўқ. Шундай бўлсада, Вали ака ёши эллик-олтмишларга бориб қолганда ҳам мана шу муҳаббатга содиқ — хотини билан тузук гаплашмайди, ўзини тоғу тошларга, жонивору гиёҳларга уради.

У асарда ҳаётни кўп кўрган, оғир-вазмин одам сифатида гавдаланади. Бироқ унда фаолият камроқ. Қилган ишлари ҳар доим ўринли эмас. Масалан, Карим билан муносабатларини кўрайлик. Карим билан Барчиной ёшликдан унаштирилган, Вали бундан хабардор. Шунга қарамай, у ҳам

www.ziyouz.com kutubxonasi

Барчинойга, бефарқ эмас. Карим уларнинг жиғига тегиб юради. Барчинойдан тарсаки ҳам ейди. Ушбу ҳолат воқеаларнинг шиддатли кечиши учун туртки бўлиши зарур эди, аммо у ҳам изсиз ўтиб кетади. Ҳар ким ўз мақсадини ўз ҳолича, авторнинг ёрдамида осонгина амалга ошираверади.

Карим уруш йилларида кўп ёмон ишларни қилади. Жумладан, Барчинойнинг ҳаётига зомин бўлади. Аммо Вали бу масаланинг тагига етишга уриниш у ёқда турсин, ҳатто, касал ётган Каримни Тошкентга олиб бориб даволатади. Шундан сўнг улар ўртасидаги муносабат яна узилади.

Агар Вали ака ўзи билан ўралашиб, доимо умумий ўйлар гирдобида юрмасдан, конкрет ишларни аниқ позициядан туриб сабот билан амалга оширганда эди, эҳтимол ижобий қаҳрамон сифатида Карим каби жиноятчиларнинг Карим Жамоловичга айланишларига йўл қўймаган бўларди. Ҳамма гап шундаки, Вали акани биз фаолиятда эмас, хотиралар гирдобида, ўзи ҳам чуқур тушунмаган суҳбатлар доирасида кўрамиз. Реал ҳолатлар тақозосига кўра ундан фақат курашчанлик талаб қилинарди. Ахир, у фашист билан олишган, қон кўрган, демак характери чиниққан одам-ку? Қаранг, севгилиси чўкиб кетса-ю, ҳатто унинг тафсилотларини суриштирмаса-я?! Юрагида шунча хотиралар, фикрлар жамланиб қолган одам ҳаётни яна ҳам яхшилаш учун кучлироқ курашга отланмайди?..

Етарлича далилланмаган ўринлар Карим — Барчин муносабатларида ҳам кўринади. Авторнинг таништиришича, Барчиной — ақлли, фаросатли, номусли қиз. Карим Вали ва Барчинойларга туҳмат қилганда у Каримнинг юзига тарсаки тушира олган. Умуман, уни кўрса бутун вужудида ижирғаниш ҳис қилади.

Аммо бир куни нима учундир Барчиной Каримга арзи ҳол қилиб қолади:

«— Уйнинг боши бўлмаса қийин экан... Отам кетганларидан буён худди етимчаларга ўхшаб қолганмиз. Сал нарсага одамнинг хўрлиги келаверади»: Шу тахлитда Барчиной образ юксаклигидан оддийлик даражасига силжиб тушгандай бўлади: эмоционал бўёқларидан ажралиб одми бир қизга айлана бошлайди. Вазият шу даражага етадики, бошқа бир кун Барчиной машоқ териб юрганда Карим унинг укасини савалайди. Худди шу куни Барчиной ва Карим ўрталарида ҳаёт-мамот суҳбати бўлади:

«— Гуноҳим сени яхши кўрганимми? — Карим бирдан кўксига муштлаб бақирди. — Сени Валидан қизғанганимми? Айт! Нима гуноҳ қилдим?» Бу жазавали «эътироф»ни эшитган Барчной заҳархандали қаҳқаҳа билан кулиб юборади. Бу кулги ўз моҳиятига зид ҳаракат — Каримда ҳирс уйғотади. У қизнинг қўлларини ушлаб олади: «Каримнинг бармоқлари пайпаслаб қизнинг билакларини силай бошлайди..,» «Барчинойнинг қулоқлари остида қўнғироқ жаранглидек тиниқ бир сас, майин бир куй эшитилгандек бўлади». Оқибат Барчинойнинг номуси топталади.

Ўқувчи нима бўлганига ҳайрон. Муаллифнинг концепцияси қандай? Каримнинг жўшқин ҳиссиётлари самарали тақдирландими? Ёки бўлмаса, бу ёшдагилар бир-бирларига яқин келиб қолсалар бўлди, буёғи тақдирнинг ишими? Ёзувчи бу ўринда бир нарса билан ҳисоблашмайди: ижобий образларнинг қаҳрамонлиги тақдирнинг энг қалтис нуқталарида юзага чиқади. Барчиной эса биринчи тўқнашувдаёқ маҳв бўлади.

Карим асарнинг бошидан охиригача ёмонликнинг тимсоли сифатида тасвирланади. Ўспиринлигида у Вали ва Барчинойларнинг жиғига тегади, ҳақорат қилади. Иккинчи гал, қўшни қишлоқ йигитлари билан муштлашувда қўрқоқлик қилиб қочиб қолади. Унинг ўрнига Вали муштлашади ва жароҳатланади. Тенгдошлари фашист-босқинчиларига қарши отланганда, у отасининг изми билан сунъий касаллик орттириб, армиядан қолади.

Шунча қилғилиқни қилган, ҳаётида бирор бир нур дақиқаси бўлмаган одам, даб-дурустдан районнинг улкан раҳбарларидан бирига айланиб қолади.

Кўринадики, асарда далиллаш лозим бўлган ўринлар анчагина. Бу нуқталарни ёзувчининг ғоявий-бадиий ниятини, ижодий-эстетик позициясини англамасдан туриб билиш қийин.

Автор қиссада инсоният тажрибасидан ўтган азалий фикрни — ёмонлик жазоланади, яхшилик ғолиб келади, — деган ғояни янги бадиий фактлар асосида кўрсатишни мақсад қилган.

Асар сюжетининг хотиралар, ҳаётий тажриба тўплаган одамнинг ўй-мушоҳадалари воситасида баён қилиниши қисса руҳидаги фалсафий-ахлоқий моментларни таъкидлашга мос келади. Образ ва персонажларнинг турли ижтимоий қатламлардан танланиши ёзувчи мушоҳадаларини кенг ёритишга имкон беради. Конфликт жиддий. Демак, қиссанинг ғоят кучли танқидий руҳ, ижтимоий адолат ғоялари билан суғорилган асар бўлиши учун ҳамма имкониятлар бор, аммо бадиий талқин, бари бир, биз кутган натижани бермайди.

Бунинг сабаби шундаки, ёзувчи ўзи акс эттирмоқчи бўлган асосий нарса табиат ва инсон муносабатларига доир муҳим зиддиятларни барча мураккаб қирралари билан асар марказига чиқара олмайди. Чуқур фактик билимлар, кенг ва эҳтиросли ижтимоий, инсоний, маънавий, ахлоқий, фалсафий ва ҳоказо билимларни асар руҳига қаҳрамонлар фаолиятига сингдириб юбормайди. Натижада композицияда парокандалик, сюжетда тарқоқлик, образлар моҳиятида мақсадсизлик, муаллиф нутқларида қарама-қаршилик содир бўлади.

Нафсиламбирини айтганда, қиссадаги бутун шароит курашга, кенг фаолият кўрсатишга мос: кийик отиб ўлдирилган, чўпон қўриқхонада қўй боққан, айбдорлар ҳам, даъвогарлар ҳам ҳаммаси директорнинг хонасида тўпланган. Улар курашиш, нуқтаи назарларини ҳимоя қилиш, характерларини намоён этиш ўрнига узундан-узоқ ўйларга толишади, муаллиф иродасига кўра узун хотираларга берилишади. Оқибатда сюжет шундан иборат бўлиб чиқадики, Карим Жамолович ҳеч қандай мақсадсиз кийик отган (ҳатто гўшт учун ҳам эмас); нари борса, бир оз штрафи билан қутулиб кетиши мумкин бўлган одам Ҳамидов билан биргаликда бу ишни босди-босди қилиш учун Вали аканинг олдига келишади, аммо Вали ака бунга унамайди. Шу тариқа муаллиф қўриқхона дахлсиз, у умуминсоний мулк, деган хулосани чиқармоқчи бўлади. Аммо бу яхши, ноёб, чинакам ҳаётий тўқнашувлар, кескин курашларга йўғрилмагани учун рўёбга чиқмай, қолиб кетади.

Асарда шундай эпизод бор — Каримни урушдан олиб қолиш учун отаси унинг бутлари орасини асаларига чақтиради. Аслида Карим қаршилик кўрсатади, маънавий эзилади. Аммо нима учундир муаллифнинг фикрига кўра, Карим «маломат сиртмоғини бўйнидан ҳеч олиб ташлолмайди». Дарҳол, — нега? — деган савол туғилади. Карим ўзи аҳволини тузатаман, фронтга бораман деса, унга минглаб яшил чироқлар йўл кўрсатиб туриши мумкин эди-ку! Аммо ёзувчи буни хоҳламайди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Шу тариқа барча образ ва персонажлар автор талабига кўра фаолият кўрсатадилар. Уларнинг ҳаракатлари, ижтимоий мавқеларига, психологик ҳолатларига мос келмайди. Қаҳрамонларнинг ишлари характер мантиқидан, ижтимоий вазиятдан келиб чиқмайди.

Совет адабиётида уруш йиллари, табиат ва инсон, қишлоқ ҳаёти ҳақида кўплаб асарлар яратилган. Чингиз Айтматов, Владимир Тендряков, Василий Шукшин, Валентин Распутин, Фозил Искандар каби ёзувчиларнинг табиат ва инсон орасидаги мураккаб алоқалар тасвирланган асарлари ўқувчилар орасида кенг шуҳрат қозонди. Бу асарларнинг ютуғи шундаки, уларда ёзувчининг бой шахси, маънавий қиёфаси биринчи ўринда туради. Катта ҳаёт ҳақиқатларини ўзида мужассамлаштирган давр қаҳрамонларининг ҳар жиҳатдан етук, тўлақонли образлари драматик воқеалар, ҳаётий конфликтлар фонида ёрқин бўёқларда акс эттирилади. Мазкур асарларда турмушдаги ҳар қандай негатив томонлар тасвирланмасин, барибир оптимистик пафос етакчилик қилади. Халқнинг илғор идеаллари, тараққиёт ғоялари бундай асарларнинг умумий руҳини, йўналишини белгилаб беради.

Ўзбек адабиётида табиат ва инсон муносабатларига бағишланган асарларда бир қатор ютуқлар билан бир қаторда жиддий нуқсонлар, камчиликлар ҳам мавжуд. Биз уларнинг айримлари ҳақида қисқача фикр юритдик, холос.

Ёзувчиларимиз бу борада яратаётган асарлар ғоявий салмоғи ва бадиий қудрати жиҳатидан иттифоқ мезонлари даражасига кўтарилиши учун ҳали кўп меҳнат қилиш зарур.

КПСС XXVII съездида: «Табиатни муҳофаза қилиш ва унинг ресурсларидан рационал фойдаланиш проблемаси ҳозирги шароитда жуда ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда», — деб алоҳида қайд этилди. Демак, табиат ва инсон проблемаларини жиддий ва теран тадқиқ этиш, давр талаблари даражасида яратиш вазифаси ёзувчиларимизнинг ҳам партиявий, ҳам гражданлик бурчи бўлиб қолаверади.

Муҳаммади ЖУМАНОВ,
филология фанлари кандидати.

www.ziyouz.com kutubxonasi